

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР

Тухтаев Мардонбек Тура ўғли

Тошкент давлат юридик университети 4-бошқич талабаси

Аннотация: ушбу мақолада тинчлик ва инсониятга қарши жиноятларнинг халқаро ҳуқуқий тусдаги энг оғир жиноятлар сифатида еътироф этилиши, уларнинг тарихий шаклланиши, ҳуқуқий-меъёрий асослари ва амалий оқибатлари чуқур таҳлил қилинган. Хусусан, агрессив уруш бошлаш, инсониятга қарши тизимли қиргин, геноцид, экоцид, апартеид каби ҳаракатлар халқаро жиноятлар қаторида кўриб чиқилади ва улар учун давлатлар ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги асослантирилади.

Калит сўзлар: тинчликка қарши жиноятлар, инсониятга қарши жиноятлар, геноцид, апартеид, терроризм, халқаро жиноят ҳуқуқи.

ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПРОТИВ МИРА И ЧЕЛОВЕЧНОСТИ

Тухтаев Мардонбек Тура угли

Студент 4 курса Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация: в статье глубоко анализируются признание преступлений против мира и человечности наиболее тяжкими преступлениями по международному праву, их историческое становление, нормативно-правовые основы и практические последствия. В частности, такие действия, как развязывание агрессивной войны, систематическое истребление человечества, геноцид, экоцид, апартеид, рассматриваются в качестве международных преступлений, и обосновывается ответственность государств и отдельных лиц за них.

Ключевые слова: преступления против мира, преступления против человечности, геноцид, апартеид, терроризм, международное уголовное право.

CRIMES AGAINST PEACE AND HUMANITY

Tukhtaev Mardonbek Tura ugli

4th year student of Tashkent State University of Law

Abstract: *this article deeply analyzes the recognition of crimes against peace and humanity as the most serious crimes in international law, their historical formation, legal and normative foundations and practical consequences. In particular, such actions as the launch of an aggressive war, systematic extermination against humanity, genocide, ecocide, apartheid are considered as international crimes and the responsibility of states and individuals for them is substantiated.*

Keywords: *crimes against peace, crimes against humanity, genocide, apartheid, terrorism, international criminal law.*

Тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар – энг оғир халқаро жиноятлар ҳисобланади. Халқаро ҳарбий трибунал устави квалификацияси бўйича, агрессив урушни режалаштириш, унга тайёргарлик кўриш, бундай урушни очиш ва олиб бориш ёки халқаро шартномалар, битимлар, аҳдлашувларни бузган ҳолда урушда бирон-бир тарзда қатнашиш тинчликка қарши жиноят ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 йил 3 ноябрдаги резолюциясига кўра, урушни тарғиб қилиш ҳам шундай жиноят ҳисобланади. Халқаро ҳуқуққа кўра, тинчликка қарши жиноят учун жавобгарликка тортиш муддатини қўллаш мумкин эмас (яъни, белгиланган вақт ўтгандан кейин ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди). Инсониятга қарши жиноятлар миллат ва давлатларнинг яшаш асосларига, уларнинг прогрессив тараққиёти ва тинч халқаро алоқа қилишига хавф солишда ифодаланади. Мустамлакачилик, геноцид, апартеид, атмосфера ёки

денгизларни ёппасига ифлослантириш (экоцид) шундай жиноят сирасига киради. Давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар инсониятга қарши жиноят субъектлари ва бундай жиноятни қилганлик учун жавобгарлик субъектлари бўлиши мумкин. Тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар учун давлатлар сиёсий ва моддий жавобгарликка, конкрет жисмоний шахслар эса – яқка тартибда жиноий жавобгарликка тортиладилар. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида тинчлик ва хавфсизлика қарши жиноятлар учун алоҳида бўлим ажратилган бўлиб ушбу бўлимнинг VII боби тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар деб номланади. Ўз.Рес ЖК бўйича урушни тарғиб қилиш, яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан қўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш, босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш, босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш, тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқуқ билан тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, шаҳарлар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш, геноцид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайитириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай

ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш, ёлланиш, яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирон шахсий манфаатни кўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун ёлланиши, ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлатларнинг ҳарбий хизматида, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши, терроризм — халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини кўрқитиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, вазиятни беқарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати билан унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш,

террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун ўқувдан ўтиш ёки террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланиш мақсадида шахсларни ёллаш, терроризмни молиялаштириш, яъни террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, фаолият кўрсатишини, молиялаштирилишини, террорчилик фаолиятида иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни таъминлашга, террорчилик ҳаракатини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни беришга ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш, миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва кадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, фуқароларнинг устунлигини ёки нуқсонли эканлигини тарғиб қилиш, худди шунингдек миллий, ирқий, этник мансублигига ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш жиноятлари тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар этиб белгиланган. Ушбу

жиноятларнинг субъекти 16 ёшга тўлган ақли раси жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Инсониятга қарши жиноятлар – муайян аҳоли гуруҳларига қарши йўналтирилган, кенг кўламдаги тизимли зўравонлик ҳаракатларидир. Бундай жиноятларга қуйидагилар киради: Қотиллик, қуллик, қийноқ ва таъқиблар, ирқий, диний, миллий асосда таъқиб қилиш, мажбурий кўчириш, зўрлаш ва инсон шаънини таҳқирловчи бошқа жиноятлар. Инсониятга қарши жиноятларга мисол қилиб, нацизм режими даврида (1939-1945) Германияда яҳудийларга қарши амалга оширилган геноцид – Холокост, Руандада 1994 йилда тутсиларга қарши геноцид, Босния урушида Сребреница қатлиоми (1995)ни олишимиз мумкин.

Халқаро жиноятлар учун жавобгарлик Халқаро Жиноий Суд ва махсус трибуналлар орқали амалга оширилади. Жиноят содир этган шахслар шахсан жавобгар ҳисобланади ва давлат раҳбарлари ҳам масъулиятдан озод этилмайди. БМТ, Халқаро Жиноий Суд (МУС), Халқаро Одиллик Судлари ва бошқа ташкилотлар тинчликни сақлаш, жиноятларни тергов қилиш ва адолатни тиклашда муҳим роль ўйнайди. II жаҳон урушидан сўнг ташкил этилган Нюрнберг суди, Руанда геноциди (1994), Босния ва Герцеговинадаги Сребреница қатлиоми (1995) – инсониятга қарши жиноятлар бўйича халқаро суд амалиётининг ёрқин мисолларидир.

Инсониятга қарши жиноятларни тергов қилиш ва жазолаш халқаро ҳамжамият олдида долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим ҳолларда сиёсий босим ёки халқаро ҳамкорлик етишмаслиги туфайли бундай жиноятлар эътибордан четда қолмоқда. Шунингдек, инсониятга қарши жиноятлар содир этилганида, кўп ҳолларда қурбонлар адолатга эриша

олмаяпти. Шу сабабли, халқаро ҳамжамиятнинг янада фаол ва мустаҳкам механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Тинчлик ва инсониятга қарши жиноятларга қарши курашиш учун халқаро ҳамкорликни кучайтириш, суд органлари фаолиятини мустаҳкамлаш ва таълим-тарбия тизимини яхшилаш лозим. Инсоният тарихидан сабоқ олиб, келажакда бундай жиноятларни олдини олиш — барчамизнинг бурчимиз.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар нафақат тарихий, балки бугунги кунда ҳам жиддий муаммо ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонликка қарши курашиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бу борадаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Ҳар бир давлат ва фуқаро тинчликни асрашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Тинчлик ва инсониятга қарши жиноятлар энг оғир жиноятлар ҳисобланади, бундай жиноятлар жамиятда чуқур жароҳатлар қолдиради ва ушбу жиноятлар содир этилса уларнинг қурбонлари беғуноҳ гўдаклар, тинч аҳоли, ота-оналар ва қариялар бўлади. Инсон энг олий неъмат, Ватан эса бизнинг онамиз! Ўз онасига хиёнат қилган фарзанд эса ҳеч қачон кечирилмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
2. Рим статуту (1998).
3. БМТ Устави.
4. Женева конвенциялари.
5. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”.
6. Халқаро ҳуқуқ асослари. Дарслик. Тошкент, 2021.
7. www.un.org.